



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Сухбат чогида
ақлли одамдан
ҳам, маънисиздан
ҳам ҳушёр бўлинг:
бирдан ажралиб
қолишингиз, бирига
эса қўшилиб
кетишингиз мумкин.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 11-may, seshanba, 56 (23.492)-son

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли ватандошлар!
Қадри уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, мана шу улуг айём кунларида, муҳташам Ғалаба боғида туриб, сиз, азизларни, бугунги тантанали маросимни жойлардаги студияларда, ҳарбий округларда, оила даврасида телевидение орқали томоша қилаётган барча фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни Хотира ва қадрлаш куни ҳамда буюк Ғалабанинг 76 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдирмаман.

Муҳтарам уруш ва меҳнат fronti фахрийлари!

Бугунги шонли санани биз доимо чексиз қувонч ва чекиз изтироб билан нишонлаймиз. Ватан озодлиги учун, ҳозирги тинч-омон кунлар учун жанг майдонларида ҳалок бўлган ота-боболаримизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртодошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтираемиз.

Сиз, мўтабар фахрийларимизнинг бекиёс қахрамонлигингиз инсоният тарихига абадий ўчмайдиған, буюк саҳифа бўлиб ёзилганини чўқур миннатдорлик билан эътироф этаемиз.

Улуг ва табарруқ ёшларга етиб, бугун орамизда соғ-саломат, дуоғуй бўлиб юрган уруш ва меҳнат фронтининг барча жангчиларига яна бир бор юксак меҳр

ва ҳурматимизни изхор этиб, уларнинг барчасига чин юракдан ташаккур айтаемиз.

Ҳаётнинг оғир ва аччиқ синовларини мардона енгиб ўтган Сиз, азизларнинг Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялашга қўшаётган муносиб ҳиссангизни барчамиз юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг мардлик ва матонатингиз коронавирус пандемияси давом этаётган ҳозирги мураккаб даврда ҳам ана шу хатарли касалликка қарши курашда бизга куч ва мадад бермоқда.

Биз – бугунги миннатдор авлодлар сизлар каби жасур оталаримиз билан умрбод фахрланамиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларнинг жанг майдонларида буюк қахрамонлик кўрсатганингиз, урушдан кейин мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш йўлида қилган фидокорона хизматларингиз учун барчамиз бош эгиб таъзим қилаемиз.

Орадан яна қанча йиллар, асрлар ўтмасин, сизларнинг фашизмга қарши кўрсатган матонатингизни халқимиз ҳамиша қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади.

2-саҳифа >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маънавий қадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улуғланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва соҳават туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **13 май – пайшанба** кунига тўри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **13 май** Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил **14–15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир-

лиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг **карантин талабларига** мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 май

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎТТИЗ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ ўттиз биринчи сессияси **2021 йил 14 май куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Абиловнинг “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари сунъий ўсишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлари тўғрисида”ги ҳисоботи;

- вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

эгалари кенгаши раиси А.Норқўзиевнинг “Вилоятда 2021 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида”ги ҳисоботи;

- вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи З.Эргашевнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида”ги ҳисоботи;

- бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими

Э. ТУРДИМОВ

2021 йил 8 май № 88-Қ



Инсон қадри баланд, хотираси азиз

Бу йилги байрам тадбирлари «Хотира бор экан – миллат барҳаёт», «Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч» шiorлари остида ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Ғалаба боғи амфитеатрида ташкил этилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади.

Самарқандлик уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари самимий ва эзгу тилакларини кўхна кентдаги баҳаво боғларнинг бирдан туриб эшитди.

Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди ва давлат раҳбарининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди. Бугун шаҳар ва туманларимизда 26 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари халқимиз ардоғида яшаётганини қайд этди.

Шу кун давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳарбий қисм ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, нурунийлар ва ёшлар Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонида Мотамсаро она ҳайка-

ли пойига гулчамбарлар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртодошларимизнинг хотираси ёд этилди.

Сана муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Қўқсарой майдонида Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги бошчилигида куч тузилмалари билан ҳамкорликда кенг қўламдаги тадбирлар ўтказилди.

Тадбир доирасида аҳоли ва ёшлар учун ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ташкил этилди.

Шунингдек, ҳарбий оркестр жамоаси томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридаги сара куй-қўшиқлар ижро этилди.

Округ моддий таъминот хизмати ходимлари томонидан Иккинчи жаҳон урушидаги ҳарбий бўлинмаларнинг дала лагери барпо этилди. Лагерда уруш давридаги ҳарбийлар кийими, ётоқхона, ошхона ва тиббий хизмат хоналари намойиш этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги чиқишлари Қўқсарой майдонида ташриф буюрганларни бир жойга жамлади. Улар Миллий армиямиз хизматчиларининг жанговар салоҳиятига гувоҳ бўлишди.

«Мулоҳаза учун мавзу»

Одатда, раҳбарликка аёл кишининг танланиши ҳамма вақт ҳам қўллаб-қувватланмайди. Кўпроқ аёллар меҳнат қиладиган жамоаларда, таълим, тиббиёт соҳаларида уларга монелик қилинмайди. Бунга фақат биз кўникиб қолган қарашлар эмас, оиладаги қадриятлар, турмуш тарзининг ҳам сабаб. Дейлик, аксарият оилаларда ўғил болалар алоҳида улуғланади, аёл киши билан маслаҳатлашиш шарт эмас, деб ҳисоблашади ва қиз болани ўқитишга энг охири масала сифатида қараш ҳамон мавжуд. Бундай номутаносиблик оилалардан жамиятга ҳам кўчиб, аёлнинг раҳбар бўлиши кўпчиликка эриш туюлади. Аммо кейинги йилларда бу масалада бироз вазият ўзгарди. Таълим, тиббиёт соҳаларидан бошқа касблар орасида ҳам раҳбар аёллар пайдо бўлди.

Аёл раҳбарларга кўпроқ ишонч билдирилди

- Самарқанддаги олий таълим муассасаларида бирорта ректор аёл йўқ, - деганди яқинда вилоят ҳокими Э.Турдимов олималар билан учрашувда. - Умумий ҳисоблаганда аёл деканлар сони ҳам кам. Қолаверса, бошқа соҳалар, мисол учун, иқтисодий жабҳаларда аёл раҳбарларни кам учратамиз. Нима, аёллар ичида бу вазифаларга муносиби йўқми? Албатта бор. Олималар орасидан шундай кадрлар захирасини шакллантириш мумкин. Шунингдек, таъкидлашни истардимки, аёл раҳбар бўлган идорада адолат бўлади, саришталик бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг турли соҳаларида аёл раҳбарлар сонини ошириш лозим.

Ушбу фикрлар билдирилган, кўп ўтмай Самарқандда туман прокурори, банкларнинг туман бўлимларидан бирига аёл раҳбар тайинланди. Демак, қўллаб-қувватласа, баъзи стереотиплардан ҳам осонгина воз кечиш мумкин экан.

Умуман олганда, нафақат бизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам аёл кишининг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши билан боғлиқ масалалар осон кечмаган. Яъни, аёл кишининг бошлиқ бўлишига кўп ҳолларда қаршиликлар юзага келган. Аммо кейинги йилларда бу масалада вазият бирмунча бошқача. Эндиликда аёлларнинг хизмат вазифаларидан кўтарилиши учун ҳалақит берувчи ҳолатлар кўпроқ ўрганилади. Шунингдек, қатор хориж тадқиқотлари аёл киши раҳбар бўлган ташкилотнинг иш фаолияти самарадорлигини ўрганишга ҳам қаратилган. Шундай тадқиқотлардан бири айниқса, пандемия даврида аёл раҳбарларга ходимларнинг кўпроқ ишонч билдирилиши исботлади.

Хусусан, пандемия даврида раҳбар аёллар самаралироқ меҳнат қилди, деб ёзади Harvard Business Review. Zenger/Folkman консалтинг компанияси ўтказган тадқиқотда 454 нафар эркак ва 366 нафар аёл раҳбарларнинг ишчанлик қобилияти ўрганилган.

2020 йилнинг март ойидан июнь ойига

қадар ўтказилган тадқиқотда раҳбарларнинг ҳамкасблари, қўл остидаги ходимлари, миждозлар иштирок этган. Улар ҳар бир раҳбарни иш самарадорлиги, натижаси юзасидан 16 та компетенция бўйича баҳоладилар. Мисол учун, раҳбарлар қанчалик ташаббус кўрсатиши, бошқаларни руҳлантириши, мотивация бера олиши ва ўзини ривожлантириши каби саволларга батафсил жавоб олинди. Натижаларга кўра, аёл раҳбарларни бошқариш қобилиятига кўра эркакларга нисбатан кўпроқ эътироф этишган. Энг қизиғи, пандемия пайти бу фарқ янаям каттароқ бўлган. Яъни, ўтган йилги ҳудди шундай тадқиқот натижалари 2020 йилнинг натижаларига солиштирилганда аёллар кризис вазиятдан яхшироқ чиқаётгани маълум бўлган. Аёл раҳбарлар айниқса, кучли раҳбарларга хос бўлган, хусусан, «тез-тез ташаббус билан чиқади», «доим ўқиб изланади», «бошқаларга мотивация бериб, уларнинг ўз устида изланишига имкон беради» каби пунктларида юқори баҳони қўлга киритишган. Тадқиқот натижаларига кўра, эркаклар аёлларни асосан битта пунктда, яъни бошқарув компетенцияси – «техник ва профессионал экспертиза» пунктида орта қолдирган. Шунингдек, раҳбарлар ходимларини ишга жалб қилиш бўйича ҳам баҳоланган. Унда ходимлар ўз ишидан нечоғлик қониқиши ва унга садоқати акс этиши керак эди. Бу масалада ҳам аёл раҳбарларнинг(55,2 фоиз) ўрни эркак раҳбарларга (49,2 фоиз) нисбатан юқори кўрсаткичда экани маълум бўлган.

Бу каби тадқиқотлар натижалари бугун аёл киши ҳам қанча жабҳада раҳбар бўлиши ва ҳатто эркаклардан кўра самаралироқ ишлаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шундай натижалардан сўнг ҳам қизингизни ўқитиш ё ўқитмаслик, унинг тақдир фақат уй бекалик деб қарасангиз, демак, энди сизнинг қарашларингиз ўзгариши керак.

Гулруҳ МҲМИНОВА.



ИНДАЛЛОСИНИ
АЙТГАНДА...

Маматқул
ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.

- Бугун у ерда порохўрлик, бу ерда ака уқани ёхуд эр хотинини пичоқлаб қўйгани, содда одамларни алдаб карточкасида пулини ечиб олгани, ёш қиз-жувонларни алдаб, хорижга фахш ишлар учун жўнатгани ва ҳоказо дилини ранжитадиган воқеалар ҳақида тез-тез гапирилмоқда, ёзилмоқда. Юмшоқ қилиб айтганда, бу ишлар бизга, дунёга ўзининг ҳалоллиги, амалга олиш имконияти, илму маърифати билан донг таратган миллатимизга ярашадими?! Бундай хунук ишлардан Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Насафий, Имом Бухорий, Термизий, Мотуридий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо... яна кўплаб этагига намоз ўқиш даражасида пок бўлган буюк аждодларимизнинг руҳи цирқирамайди?! Тилимизда уларни улуғласагу амалда ўша зотларнинг тутмига, фаолиятига, ёзганларига зид ишлар қилсак... Буни нима деб аташ мумкин?!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хурматли юртдошлар!
Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган, мислсиз йўқотиш ва талафотларга олиб келган энг даҳшатли қирғин бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Олти йил давом этган бу қонли урушда ўша пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 та давлатни бевосита қамраб олган уруш ҳаракатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларазага солади. Энг кўп қурбонлар собиқ Иттифок республикалари ҳиссасига тўғри келиб, қарийб 27 миллион кишини ташкил этганини бугун ҳам улкан қайғу ва изтироб билан эслаймиз.

Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёш душманни тор-мор этиш учун бор кучи ва имкониятларини сафарбар этди.

Шу борада баъзи бир энг муҳим, илгари бизга номаълум бўлган факт ва рақамларни яна бир бор эслаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман.

Маълумки, 1941 йилда республикаси аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди.

Биз бу рақамларни ҳар йили 9 май – Ғалаба байрамида қайта-қайта эсга оламиз. Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштираб оналаримиз, момаюримиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам.

Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифода қила олмайди, десак, янглишмаган бўламиз. Нега деганда, 500 мингдан зиёд қурбон – бу 500 мингдан ортиқ фожиа дегани. Бу умр йўлдошидан айрилган минг-минглаб аёллар, ота-онасидан жудо бўлган миллионлаб етим болалар дегани. Бу – орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, халқимиз юрагидаги битмаган, ҳеч қачон битмайдиган мудҳиш яра, туганмас нола ва армон демакдир.

Ўзбекистон халқи ана шундай оғир талафотлар кўриб, буюк Ғалаба бекиёс ҳисса қўшди. Бу ҳақиқатни 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани ҳам яққол исботлайди. Ватандошларимизнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортиги учал даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсоният таърихи ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустақам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди.

“Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – Ғалаба учун!” деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодига айланди. Халқимиз туну кун тиминсиз меҳнат қилиб, улкан микдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон

захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Бомба ва снарядлар тиминсиз портлаб турган ҳудудлардан 170 га яқин завод ва фабрикалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди.

Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикамизга кўчириб келирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди.

Эл-юртимиз мудҳиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. **“Тошкент – нон шаҳри”, “Ўзбекистон – меҳр мамлақати”** эканини амалда яна бир бор исботлади.

Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда хурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Ва бу билан биз ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларга маълумки, кейинги йилларда халқимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари очилгани, собиқ Иттифок республикалари ва чет элданги архив ташкилотлари, музей ва фондлар, олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихи янги маълумот ва далиллар, ноёб ҳужжатлар билан бойиб бормоқда. Мавзуга оид янги-янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва альбомлар, кўплаб картина ва ҳайкаллар яратилмоқда.

Таълим масканлари ва маҳалла идораларида ушбу йўналишда ташкил этилган стенд ва кўргазмаларда жангчи ота-боболаримизнинг улмас сиймолари, улар ҳақидаги муҳим тарихий маълумотлар акс эттирилмоқда. Биз бу ишларни янада кенг қўламада, фаол давом этиришимиз зарур.

Бугун уруш йилларида беш азамат ўғлидан жудо бўлган Зулфия Зокирова ва унинг оила-сига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, хурмат бажо келтирдик. Бу матонатли инсон тимсолида барча Ўзбекистон оналарига юксак хурмат-эҳтиромимизни изҳор этдик.

Ишончим комилки, ана шундай фидоий оналаримиз – севган ёри ва фарзандларига, оиласи ва юртига содиқ аёлларимизнинг жасорати ёш ўғил-қизларимиз учун Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат, сабр-матонат тимсоли бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ушбу мажмуадаги ҳар бир ёдгорликнинг маъно-маъмуни ва фалсафасини, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ғалаба боғи фаолиятини ташкил этиш ҳақида ўтган йили қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ, бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, уларнинг барчаси ҳақида сўзлаш учун кўп вақт керак. Мен фақат энг муҳим ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимман.

Авалло, Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуасини ҳарбий тарихимиз, уруш ва меҳнат fronti қатнашчи-

лари жасоратини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш ҳаракати бошланди. Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мажмуанинг электрон платформаси, онлайн дастурлар яратилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Мажмуанинг веб-сайти такомиллаштирилди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 2 миллионга яқин ватандошимизнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва шу асосда “Ватан фидоийлари” хотира китобини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган қисқа даврда, карантин шароитига қарамадан, Ғалаба боғига 350 мингга яқин юртдошимиз ва чет эллик меҳмонлар ташриф буюрди. Уларнинг орасида ўқувчи ва талаба ёшлар, мухтарам нурунийлар, ҳарбий хизматчилар, Ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа чет эл фуқаролари, юқори мартабали хорижий делегациялар аъзолари борлиги айниқса эътиборга сазовор.

Бу ерга ташриф буюрган одамларнинг Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига кўрсатилаётган улкан хурмат-эътибор ҳақида билдирган самимий фикрлари, юксак баҳолари, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Ғалаба боғи қисқа муддатда табаррук зиёратгоҳга, турли учрашувлар, маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар мунтазам ўтказиладиган қўлтуғ масканга айланиб қолгани барчамизни қувонтиради. Айниқса, 300 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган “Шон-шараф” ҳарбий фестивали, ёш ижодкорларнинг уруш мавзусидаги кўргазмалари, қўриқ-танловлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунда мажмуа таркибида фаолият кўрсатаётган “Шон-шараф” давлат музейида 12,5 мингга яқин экспонат тўпланган бўлиб, уларнинг сонини тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йили нашр этилган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” китоб-альбомини тилга олиш ўринлидир. Бу йилги байрам арафасида унинг узвий давоми бўлган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” ва “Ғалаба боғи фалсафаси” номли китоб-альбомлар чоп этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу нашрларда халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида илгари бизга номаълум бўлган кўплаб янги маълумотлар келтирилган.

Шу борада биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчимман.

Маълумки, таниқли саҳна устаси Маъсума Қориева урушдан олдинги йилларда собиқ Ҳамза театрининг етакчи артистларидан бири бўлган. Унинг қайнотаси – жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоянчаси Абдувоҳид қори, қайинхусаси – истеъдодли шoir Олтой Қориев, турмуш уртоғи – Маданият вазирилик санъат бошқармасининг бошлиғи Босит Қориев 30-йилларда ноҳақ сиёсий қатъномага учради. Қайнотаси ва эри ўлим жазосига ҳужм қилинади.

Юртга ёв бостириб келган оғир кунларда Маъсума Қориева ўз бошига тушган фожияни унутиб, икки фарзанди – Шавкат ва Ботир Қориевларни фашизмга қарши жангга юборади. Ўзи эса ҳозирги Ўзбек миллий театрида касабга уюшмасига раҳбарлик қилиб, ғоят оғир даврда ходимларни моддий таъминлаш учун жонбозлик кўрсатади.

Уруш тугайди, лекин Маъсума аянинг фарзандларидан дарак бўлмайди. Муштираб она уларнинг изларини излаб Москвага боради. У ерда иккала ўғли ҳам жангларда ҳалок бўлганини аниқлайди.

Маълум бўлишича, урушда кўрсатган жасорати учун Шавкат Қориев “Қизил байроқ” ордени, Ботир Қориев эса “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланган экан. Минг афсуски, Маъсума Қориева у пайтда бундан беҳабар эди. Онаизор фарзандлари доғини кўтаролмасдан, 1946 йили Москвада вафот этади.

Мана шундай қайғули воқеалар билан танишганда, қаҳрамон аждодларимизнинг ўчмас хотираси олдидаги қарзимиз ва бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бугунги тинч, эркин ва ёруғ кунларнинг қадрига етиш кераклигини яна бир бор англаймиз.

Ўйлайманки, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, киночи ва рассомларимиз Ғалаба боғидаги ҳар бир мажмуа ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар яратиш, халқимизга тақдим этса, нур устига нур бўларди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етказиш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Юртимиздаги ҳар бир кишлоқ, маҳалла ва таълим муассасаси, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз уруш иштирокчиларига доир материалларни тўллаш ва тарғиб этишда янада фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.

Айниқса, замонавий илм-фанларни, хусусан, миллий тарихимизни катта қизиқиш ва меҳр билан ўрганаётган ёшларимиздан бу борада янги ташаббуслар ва ҳаракатларни кутиб қоламиз.

Бугунги кунда юртимизда уруш қатнашчилари ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ электрон базасини яратишнинг вақти-соати келди. Россия, Беларусь, Қозғистон каби давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибасини ўрганиб, бундай амалий ишларни Ўзбекистонда ҳам ташкил этишимиз лозим.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, бу борада махсус сайтлар, Интернет ресурсларни кўпайтириш ҳақида қарор лойиҳасини тайёрлаб киритиш топширилади.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, **Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳаммиша барҳаёт яшайди.**

Шу боис биз учун уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-хурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш доимо муқаддас вазифа бўлиб қолади. Байрам муносабати билан бу борада кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзоларини қўллаш, табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилди. Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрий-

ларининг уй-жойлари таъмирланди ва обод қилинди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатадиган, уларни парвариш қилиш билан шугулланадиган патронаж хизмати йўлга қўйилди. Ана шундай фахрийларимиз ўз хоҳиш-истаклари асосида республикамиздаги санаторийларда даволанмоқда. Байрам кунларида барча шаҳар ва кишлоқларимизда хотира тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган бундай савобли ишларни биз бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги нотинч ва таҳликали ҳаётнинг ўзи Иккинчи жаҳон урушининг қонли фожияларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшашни бутун дунё халқларидан талаб этмоқда. Ер юзиде тинчлик учун курашиш, дунё давлатлари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясини айнан мана шундай тамойиллар асосида амалга оширмаймиз.

Айниқса, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳаммиша бош вазифамиз бўлиб қолади.

Дунёда ва минтақамиздаги нотинч вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз доимо ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириб, ёшларимизни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ана шундай ғоят муҳим вазифаларни самарали адо этишда буюк аждодларимиз, мухтарам фахрийларимизнинг мардлиги ва шонли анъаналари, ҳеч шубҳасиз, биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз ва миллатимизнинг юксак қадрият ва фазилатлари айнан ана шундай асосда шаклланади ва ривожланади.

Қаҳрамон оталаридан ўрناق ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

Қадрли ва мухтарам ватандошларим!

Сиз, азизларини бугунги қўлтуғ байрам – Хотира ва қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, яқинлашиб келаётган яна бир улуг айём – муқаддас Рамазон ҳайити билан ҳам барчангизни самимий муборакбод этаман.

Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу баракат, бахту саодат тилайман.

Халқимиз ва бутун инсоният учун буюк Ғалаба келтирган барча жасур жангчиларинизга шон-шарафлар бўлсин!

Тинчлик ва озодлик йўлида азиз жонларини фидо этган қаҳрамонлар хотираси ҳаммиша барҳаёт бўлсин!
Барча эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Доимо соғ-саломат бўлинг, азизларим, қадр-донларим!

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар нимаси билан аҳамиятли?

Конституциянинг 32-моддасига кўра, Республикамиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Яъни, Бош қомусимизнинг ушбу тамойили билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Уни амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида жорий йил аввалида қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, сайлов тизими, уларни ўтказиш тартиби, жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланмаслиги, чет элда бўлган фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш қафолатлари янада такомиллаштирилди.

Мисол учун, Конституциянинг 117-моддасига тегишли ўзгартиш киритилиб, Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - октябрь ойи учинчи ўн



кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши белгиланди. Қонун қабул қилинганга қадар бу жараён кишининг совуқ ва изгиринли дамлари - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилар эди.

Сайлов кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари сонини кўпайтирилди. Илгари етти-ўн беш нафар бўлса, эндиликда комиссия аъзолари сонини ўн бир-ийгирма бир нафар бўлади.

Янги ўзгартишга мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловлар бўйича сайлов участкалари округ сайлов комиссияси томонидан, туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов кодекси 44-модда 5 ва 6-қисмлар билан тўлдирилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг; Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг; сайлов комиссиялари аъзоларининг; диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловда ташвиқотини олиб боришлари таъқиқланди.

Қайд этилган ўзгартишлардан кўринадики, сайлов қонунчилиги мамлакатимизнинг кўп йиллик миллий сайлов тажрибаси, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ривожланмоқда. Сайлов қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишнинг янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилади.

Ўқтам МУРАДОВ,
Тойлоқ туманлараро иқтисодий суди раиси.



НАСИБАМИЗ – МЕҲНАТИМИЗ, ҳаракатимиз туфайли

“Ризқ-рўз” дуо-фотиҳа пайтида энг кўп тилга олинадиган иборалардан бири.

Қуръони қаримда Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва хоҳлаган кишиларнинг ризқини танг қилур, деб таъкидланган. Шу сабабли, ризқ борасида одамлар бир-бирларига ҳасад қилмасликлари лозим. Муқаддас китобда агар Аллоҳ бандаларининг ризқларини кенг – мўл қилиб юборса, албатта, улар ер юзиде тажовузкорликка ўтиб кетган бўлур эдилар. Лекин у ўзи хоҳлаган ўлчов билан ризқ туширур, дея қайд этилган. Ҳадиси шарифда “Менинг

мўмин бандаларим ичиде шундайлари борки, улар бой бўлганлари сабабли иймонлари жойида туради. Борди-ю уларни камбағал қилиб қўйсам, иймонлари сусайиб кетади. Яна шундайлари ҳам борки, улар камбағал бўлганлари сабабли иймонлари жойида туради. Борди-ю уларни бойитиб қўйсам, у туйфайли иймонларига путур етади”.

Бу фойий дунёда ҳар бир инсоннинг ўз ризқ-рўзи, яъни насибаси бор. Насиба – хулқ ва фаолият мевасидир. Аллоҳ албатта барчага беради, лекин у фақат ақлимиз, билимимиз, интилишимиз ва меҳнатимизга лойиқ насибамизни беради. Роббимиз тақдиримизни яратган, бироқ Аллоҳ инъом этган ақл-за-

коват ва меҳнатимизгина ризқу насибамизни яратади.

Насибамиз ҳам қилмишимизга яраша бўлади. Бугдой эхсак бугдой, арпа эхсак арпа ўрамыз.

Ҳадисга биноан ҳар бир инсон бу дунёда ўз насибасини тўлиқ олмагунча вафот этмас экан.

Аммо одам фарзанди иложи борича кўпроқ бойлик тўплашга интилади ва бу йўлда ҳар қандай ножоиз ҳолатлардан қайтмайди. Бойлик илнжиде ўзини ўққа-чўққа уради. Халолликни унутиб, ҳаром лўқмадан ҳазар қилмайди. Ҳавойи нафс йўлида юриш, мол-дунёга ўчлик шахсини инсоний фазилатлардан айиради.

Анвар ҒУЛОМОВ,
меҳнат фахрийси.

Эзгуликка йўғрилган умр

Кишининг умри у амалга оширган эзгу амаллар билан гўзал. Нарзулла Эрназаров ана шундай ибратли ҳаёт кечираётган юртдошларимиздан бири.

Турмушининг паст-баландини кўриб, аччиқ-чучугини татиган отахон 85 ёшни қаршиляпти.

– Иккинчи жаҳон уруши бошланганда 4-5 ёшлардаги бола эдим, – дейди Нарзулла бобо. – Фронт ортида ҳаёт ниҳоятда оғир эди. Уруш одамлар бошига қанча қайғу олиб келди, қанча оилалар ўз жигарларидан айрилди. Акаларим Усмонқул, Ҳайдарқул ва Мухаммадлар ҳам фронтга кетди. Отам Эрназар бобо, онам Ойқиз момолар уларнинг эсон-омон қайтишини тилаб туну кун дуо қилишарди. Афсуски, акаларимнинг биронтаси бағримизга қайтмади, уларнинг хоки жанг майдонларида қолди.

Машъум ва оғир дамларни эслаш оғир. Ота-онаси тақдирга тан бериб Нарзуллага суянишган, барча орзу-умидлар фақатгина ундан. У болалигида тенгқурлари билан Бурган қишлоғининг бепоён далаларида кўй, эчки боқиб, кўчаларни чангитиб улғайди.

Бу ерларда улкан боғ яратиш Эрназар бобонинг орзуси эди. Лекин бу ниятига етолмай ёруғ оламни тарк этди. Нарзулла эса отаси ва акаларининг орзусини амалга оширишни мақсад қилди. Катта ишни бошлаш учун кишида журъат, матонат, сабр-тоқат, пишиқ ўйланган режа ва маблағ бўлиш зарур.

У Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетини тахсил олди. Ўқини муваффақиятли тугаллаб, Хатирчи туманидаги собиқ Навоий номи жамоа хўжалигида иш бошлади. Кейинроқ тумандаги бўрдоқчилик базасига етакчилик қилди. Сўнгра ўзи туғилиб ўсган Каттакўрғон тумани Мойбулоқ жамоа хўжалигида бош ветеринар врач, бир муддат Мойбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари бўлди.

– Бектош Раҳимов Самарқанд вилоятга раҳбарлик қилган йиллари барча ветеринарларни тўплади, – дейди Н.Эрназаров. – Шу пайт меннинг номини айтиб, ёнига чақирди. Барчаннинг олдида мен ҳақимда илиқ сўзларни айтиб, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғасини топширди. Мендай оддий бир ветеринар учун бу катта ҳурмат ҳамда бахт эди.

Унинг меҳнат фаолияти даври масъулиятли ва машаққатли кечди.



Айниқса, собиқ иттифоқ таназулга юз тутган даврлар унинг ёдидан кўтарилмайди. У ўша даврда қишлоқ етакчиси сифатида аҳолининг оғирини енгил қилишда ва муаммоларини бартараф этишда юксак ташкилотчилик салоҳиятини намойён этди.

Истиқлол шарофати туфайли Нарзулла Эрназаровнинг орзулари ушала бошлади. Ер ўз эгасини топиб, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган паллада Нарзулла ота ҳам «Усмонбулоқ» оилавий фермер хўжалигини ташкил этди. 11 гектар ерда деҳқончилик қилиш,

қақраб ётган даштни ўзлаштиришининг ўзи бўладими? Маслаҳатли кенгаш тарқамас деганларидек, у оила аъзолари билан кенгашиб техника воситалари сотиб олди. Бир ярим километр масофадан электр тармоғини тортиб, трансформатор ўрнатди, сув чиқарди. Богдорчилик ва деҳқончилик билан бир қаторда фермер хўжалиги тармоғида ун ва чорва учун озуқа тайёрлаш тегиримини, ёғ жувохонаси ҳамда темирчилик устахонаси ишга туширилди. Товуқхона ва молхона қурилиб, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш асосий тармоқлардан бирига айланди.

Нарзулла Эрназаров ер майдонини 21 гектарга кенгайтирди. 2 гектарда тоқор барпо этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисми мактабга таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Фермер хўжалиги хайрли ишлардан ҳам четда қолгани йўқ. Яқка-ёлғиз, қаровчисиз қолган ва эҳтиёжманларга доимо моддий ёрдам кўрсатиб келяпти. Ҳудуддаги ана шундай аҳоли қатлами фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйларини ўтказишда ҳам доимо кўмакдош ва маслакдош.

Отахон бардам-тетиклик сирини ҳалол меҳнатда, ҳаракатда деб билади. Нарзулла отага сичат-саломатлик, узоқ умр ва хайрли ишларда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Тошпўлат ТОШМУРДОВ,
Нарпай тумани.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 1-тур танловни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

- аҳолининг эҳтиёжман қатламлари, хотин-қизлар ва ёшларни иқтисодий, молиявий ва бизнес соҳасидаги кўникмаларини юксалтириш орқали тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш;
- чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни кучайтириш;
- фуқаролар ўртасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш;
- оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш; болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш;
- норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишда, меҳнат бозорига рақобатбардош бўлмаган ишчи кучи бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари кадрлар салоҳиятини ошириш, уларга грант ёзишга мөътодик кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолиятига янги инновацион йўналишларни яратиш;
- маҳалла ва оилалардаги ижтимоий маънавий-муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, ўз жониغا қасд қилиш, гиёҳвандлик, эрта

никоҳнинг олдини олишда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

- ўсиб келаётган ёш авлодни ота-онани, кексаларни ҳурмат қилиш, эъозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғусини шакллантириш;

- вилоятда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини ўрнатиш, босма ва электрон ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қураш хати.

2. Вилоят Кенгаши ҳузуридаги жамоат фонднинг https://t.me/samarqand_jamoaat_fondi телеграм каналда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган Давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низоми нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятнинг талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 31 миллион сўмгача. Ҳужжатлар 2021 йил 10 майдан 10 июнгача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): 140107, Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳ кўчаси 159-“А” уй манзили Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва дўстлик уйи биноси (110-хона), “Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига” деб кўрсатилган тартибда юборилиши шарт.

Маълумот учун телефонлар:
(55) 701-35-95, (93) 353-18-00

Фидойи олим, талабчан устоз

Иқтисодчи олим, фан номзоди, доцент Тожимурот Ҳайитов бугун муборак 80 ёшни қарши олмақда.

Тожимурот Ҳайитов 1941 йилда Паст Дарғом туманидаги Кўкони қишлоғида таваллуд топди. 1960 йилда мактабни аъло баҳоларга тугатган ёш, илмга чанқоқ йиғит Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. Дастлаб беш йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Паст Дарғом туманидаги “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида ҳисобчи вазифасида фаолиятини давом эттирди.

Фанга бўлган шийиқ уни яна Тошкентга етаклади. 1972-1974 йилларда Ўзбекистон фанлар академияси қошидаги иқтисод институтига аспирантурани ўтаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Т.Ҳайитовнинг кейинги илмий-педагогик фаолияти Самарқанд қишлоқ хўжалик институти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. 35 йил мазкур олийгоҳда, 2018 йилдан эса Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ўқитувчи, кафедра мудири, доцент вазифаларида ишлади. Шунингдек, сиртки бўлим проректори лавозимида фаолият юритди.

Домла икки йилдан буён Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали доценти сифатида талабаларга билим бермоқда. 52 йиллик педагогик фаолияти давомида



талабаларнинг иқтисод йўналишида кучли билимга эга, бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган замонавий мутахассислар бўлиб етиштирилганга йўналишлар бериб, бор билим ва тажрибасини бўлажак мутахассислар камоли учун сарфламоқда.

Педагогик фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан ҳамкорликда олиб борган устоз кўплаб илмий-оммабоп ишлар муаллифидир. Унинг иқтисодиётнинг долзарб мавзуларига бағишланган юзга яқин илмий мақолалари республикамизнинг нуфузли илмий журналларида, халқаро миқёсдаги конференция материалларида чоп этилган. Юзлаб шогирдлари бугун нафақат, ватанимиз, балки, кўшни мамлакатларда ҳам иқтисодиётнинг турли жаҳдаларида меҳнат қилишмоқда.

Т.Ҳайитов нафақат педагог олим, балки катта сулола бошлиғи ҳамдир. Меҳрибон ота ўз фарзандлари ва набираларини халқ ва юрт учун хизмат қиладиган билимли, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаган.

Устоз Тожимурот Ҳайитовнинг илм-фан ривожини йўлидаги фаолиятида муваффақият, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

О.ПАРДАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кафедра мудири.
Д.РАҲМОНОВ,
доцент, иқтисод фанлари номзоди.

Отасининг қўлида ишлайдиган эри унга безовта бўлмастлигини айтиб, чиқиб кетар экан, юзида доғ оралай бошлаган келинчак эрталабки уйку зўрлигиданми ёки ширин хотиралардан энтиқиб, кўрпани бошига тортиди.

Тазйиқнинг бошланиши

– Тушгача талтайиб ётмай, тондан ҳовли супуриб, эри ишга кузатиш кераклигини ўргатишмаганми сизга?

Эшқининг шашт билан очилишдан уйғониб кетган келинчак ваҳожат билан тикилиб турган қайноқасининг илк қаҳрига дуч келиб, уялганча жовдираган ҳадикли кўзларини кўрпага яширди.

Уч ойдан буён атрофида гирдиқалпак бўлган қайноқаси нахотки, шу аёл бўлса? Келинчакнинг илгарги хис қилмаган бир кўрқувдан баданига титроқ кирган, эри бир неча дақиқа олдин онасига телефон қилиб, амалдор қайноқасининг мансабдан кетганини маълум қилганидан у ҳали беҳабар эди.

Ҳуршид НУРУЛЛАЕВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonpor / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Қудрат АСҚАРОВ

Бешафқат ўлим тақиқли олим, моҳир педагог, Самарқанд давлат тиббиёт институти биологик кимё кафедраси профессори, кимё фанлари доктори Қудрат Асқаровни орамиздан олиб кетди.

Қ.Асқаров 1937 йилда Қўшработ туманининг Урганчи қишлоғида туғилди. 1962 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти имтиёзли диплом билан битиргач, иш фаолиятини 1962 йилда мазкур институтининг микробиология кафедраси ассистенти вазифасидан бошлади. 1966 йилдан Самарқанд давлат университети микрорезлементар муаммоси лабораторияси аспиранти, 1969 йилдан Самарқанд давлат тиббиёт институти биологик кимё кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси, кафедра доценти, 1977 йилдан биоанорганик, биоорганик ва биологик кимё кафедраси мудири, 2005 йилдан биоанорганик, биоорганик ва биологик кимё ва фармакология кафедраси мудири, 2012 йилдан ҳозиргача медицина ва биологик кимё кафедраси профессори лавозимида самарали ишлаб келаётган эди.

Домла кафедрада талаба-ёшларга сабоқ бериш билан биргаликда, институти жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашди. Жумладан, 1992-1995 йилларда тарбиявий ишлар бўйича



проректор, 1999-2003 йиллар институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, 2007-2010 йилларда институти ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб, ёшлар тарбияси ва маънавий маърифий ишларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганди.

Қ.Асқаровнинг 300 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган, 15 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 14 та ихтиро ва 3 та монография муаллифи эди. Республика, МДХ ва Европа давлатларида ўтказилган нуфузли конференцияларда иштирок этиб, кўплаб диплом ва сертификатлар ҳожи бўлган. Оилапарвар инсон, меҳрибон ота сифатида 5 фарзандни тарбиялаб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишларида эришган.

Устоз кўп йиллик самарали меҳнатлари учун кўплаб фахрий ёрликлар, дипломлар ва 2021 йилда “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланганди.

Қудрат Асқаров атрофидагиларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган, ёш шифокорларнинг доимий маслаҳатгўйи, меҳрибон ва ажойиб инсон эди. Унинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УОШМАСИ ҚЎМИТАСИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Паст Дарғом туманидаги «MAROKAND KABEL INVEST» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302839306) тугатилиб, Нуробод туманидаги «MAROQAND SEMENT INVEST» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига (СТИР: 304457725) қўшилимоқда. «MAROQAND SEMENT INVEST» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси «MAROKAND KABEL INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетанида эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Нуробод тумани Тепақул маҳалласи.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Муратов Рузбай Ҳудайбердиевичга (2020 йил 5 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасида марҳум Қосимов Захро Ядуллоевнага (2020 йил 3 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Сўғдиёна маскани, 14/12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Кулиев Каюмга (2006 йил 2 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Раҳматиллоев Воҳиджон Тоҳировичга (2020 йил 24 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Анджиони маҳалласи.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Ражабов Журакул Ҳурамовичга (2020 йил 12 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Содиков Раббимқул Аҳатовичга (2020 йил 14 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳридаги 3-ўрта мактабдан 1996 йилда Абдуллаев Гафур Ҳудоевич номига берилган UZA № 180868 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Асқарова Баҳора Сухробовна номига берилган ТМ № 071285 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги «AGRO TRADE MARKET URGUT» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 302278664) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд агротадбиркорлик коллежидан 2001 йилда Сайдуллаева Гулзухра Эшмаматовна номига берилган рўйхат рақами 00470, № 443571 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Файзиёва Зайнура Насруллоевна номига берилган UM № 0740159 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туман Қоратепа маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2018 йилда Салимов Номозбой Аҳмад ўғли номига берилган рўйхат рақами 115, К № 5128747 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1994 йилда Шукруллаев Алам Асатиллаевич номига берилган А № 497773 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Тоҳирова Гўзал Одил қизи номига берилган UM № 0538971 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттакўрғон туманидаги 63-умумий ўрта таълим мактабидан 1994 йилда Уринова Гулбони Суяндукловнага берилган АУ № 503442 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги «DARG'OM STROY» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 305436781) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОПАНГА МУКОФОТ!
Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан Кабилджанова Гули Пулатовнага берилган пенсия гувоҳномаси Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжати топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.
Телефон: +99890-212-72-38.

Самарқанд шахрида туғилиб ўсган, ўн ўғилни вояга етказган "Қаҳрамон она" (собиқ иттифоқ даврида кўп болали оналарга шундай унвон берилган) Адолат Иброгимова ҳақида ўйласам, хаёлларим юксалиб кетади. Назаримда, кимларнидир орзуларида қолиб кетган алпларни-ю, баҳодирларни ҳам дунёга келтириб, бағрига босиб бахти, жасорати шу аёлга насиб этган. Ўн ўғилнинг онаси, деганда хаёлингизга нималар келмайди? Аввало, ҳайрат ва ҳавасдан "Ў-ў-ў" деб юборасиз. Сўнг ўша аёлни кўргингиз, ҳаётини ҳикояларини эшитгингиз келади. Мен ҳам шундай қилдим.

ЎН ЎҒИЛНИНГ ОНАСИ

воқеа бу оилада ҳам юз берди. Қаҳрамон ака таксисида бу гал аёлини туғруқхонага олиб борди. Ҳаяжонли кутишлар доя қизларнинг қувончли хабарига уланди: - Қаҳрамон ака ўғилли бўлдингиз, хотинингизнинг аҳоли яхши. Полвончанинг исмини яхши ниётлар билан Баҳодир деб қўйишди. Мана шу қувончли лаҳзалар Қаҳрамон ака ва Адолат опа оиласида ўн бора такрорланди. Катта оиланинг ҳаёти бир текис кечмайди - заҳмат ва машаққатлар, тоқат ва бардошлар бўлади. Ўн ўғилнинг ҳаммаси ҳам мактабга янги костюм кийиб бормаган, янги ботинка киймаган. Янгисини катталар, яъни акалар киярди, кейин укалар. Фақат тоза ва йиртилмаган бўларди.



У жойида йўқ экан, ёрданчилари қабул қилди. Хуллас, тепадан хат келди. Буларга беш хонали уй беришди. Шу билан дунё кенгайиб қолгани йўқ. Аввалиги тўрт хонали уйни олиб қўйишди. Беш хонали уйда ота-она, икки келин, ўн ўғил умргузаронлик қилди.

Адолат опа тор уйларида яшаганига армон қилмайди, тор кўнглиларнинг гапини ҳам ўзига олмайди. Фақат бир нарсани армон билан айтади: Болаларимга ҳаваси кетган ўйинчоқларни олиб беролмадим-да. - Болаларим ўзларини ўзлари ўрталади, бир-бирини суюди, мол талашмади. Ҳеч қачон араз, гина, кек қилишмади. Биргалашиб ўйлар, тўйлар қилишди, бир-бирларининг фарзандларини ўзлариники каби яхши қўришди... Фақат, кучогимга ўн марта ўғил берган Худойим, ўзига керагини қайтиб олди. Берганида суюниб, олганида ношукрлик қилмадим. Аммо фарзанд доғи...

Аввалига бу оила ота мерос, кичикроқ ҳовлида яшади. Сўнг давлат берган тўрт хонали уйга кўчишди. Унинг хоналари кичик, ичма-ич хоналар эди. Охири журъат қилиб, Қаҳрамон ака "Қаҳрамон она"ни ёнига олиб, Москвага - хотинқўм Валентина Терешкова қабулига боришди.

Иккинчи ўғил - Мирёқуб ўзига хос характерга эга эди. Мактабда ҳам яхши ўқиди. Спортга ихлос қўйди. Тутганини кесадиганлардан эди. Эшак эшиш бўйича 16 ёшида Ўзбекистон, 17 ёшида собиқ иттифоқ чемпиони бўлди. У қўлга киритган натижаларга ҳали ҳеч ким эришгани йўқ. Кўкраги тўла медаллар эди.

Мирёқуб Ибрагимов 1987 йилда ҳарбий хизматга қақирилди. Уни спортчилар ротасидан Афғонистонга олиб кетишди. Онаси билмас эди, ўғли қаерда эканини. Уйга ёзган хатларига "Венгриядан саломлар", деган жумлаларни қўшиб қўярди.

Мирёқуб разведкачилар груҳининг командири эди. Қандаҳор ёки Баграм шаҳарларида гуруҳ таркибини кўриқлаб кетаётганларида "БМП" ичида унга снаряд тегади. Олдинда ўтирган Мирёқуб Ибрагимов ва яна бир нафар аскар ҳалок бўлади.

Гоҳо ғамларнинг ҳам адоғи кўринмай қоларкан. Кўп ўтмай, 63 ёшида отаси Қаҳрамон ака ҳам қайтиб тўла доғ билан бу дунёни тарк этди. Тўнғич ўғил Баҳодиржон эллик ёшида, сўнг Саиджалол ўттиз уч ёшда ўтди оламдан. Бунча йўқотишлардан сўнг кўкси тўла доғ онанинг қалбига мўрлашдан, савол беришдан қўрқасан киши. Яралари тирналиб кетса, дунёни ғам босмайди, деб чўчийсан.

Адолат опанинг барча ўғиллари спортга қизиқишди. Турли касб ағалари. Унвонлари капитандан полковниккача. Ўқитувчи, ички ишлар ходими, ҳарбий, спортчи, уста, сантехник ва ҳоказо...

Раҳматли Мирёқубнинг исми билан аталган жияни Саидёқуб Қаҳрамонов Америкада Ўзбекистон байроғини кўтариб, тўп сўриб юрибди. Унинг нияти амакисига муносиб бўлиш.

"Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи", дейишганидек, Адолат опанинг қалбига ҳар бирининг ўрни, ғамлари, қувончлари бор.

Ҳосият БОБОМУРОВА, шoirа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Адолат опанинг ҳузурига шошдим. Сўрашдик, танишдик, сўнг: - Сиз ҳақингизда ёзгани келдим, - дедим. Опа ажабланди: - Йўғе, менинг нимамни ёзасиз? - деб бир қизариб олди.

Ўтган кунларингиз ҳақида айтиб беринг. Адолат опа барча оналар каби оддий, камтар, камгап, босиб аёл экан. Ҳадеганда, гапларини қовушмади. Аммо фарзандлар ҳақидаги қувончлару ҳасратларимиз бир эди, ўз-ўзидан гапга тушиб кетдик...

Отаси Алимұхаммад ака такси ҳайдовчиси, онаси Хадича опа уй бекаси эди. Адолат тўрт ўғил, беш қиз орасида учинчи қиз. Ўн саккиз ёшида турмушга беришди. Унгача аввал мактабда 8-синфини, сўнг Самарқанддаги мактабгача тарбия техникумини битирди.

Келинчақ бўлган, боғчада тарбиячи бўлиб ишлади. Турмуш ўртоғи Қаҳрамон ака Иброгимов ҳам қайночасига ўхшаб, такси ҳайдовчиси эди. Бутун умр одамларнинг йирогини яқин қилди.

Барча оилаларга насиб этадиган, эр-хотинни бир-бирига янаям яқинлаштирадиган қувончли



РЕГИСТОН

бунёдкори ҳақида фильм суратга олинади

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан "Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография" шиори остида вилоятимизга пойтахтдан "Кинокарвон" ижодий гуруҳи келди.

Дастлаб Самарқанд шахридаги Кичик мутахассислар тайёрлаш марказида "Илҳақ" фильми ижодкорлари зобитлар ва уларнинг оила аъзолари билан учрашди.

Тадбирда фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов ва бошқа ижодкорлар фильм Иккинчи жаҳон уруши даврида рўй берган ҳаётини воқеаларга асослангани, унинг тасвирга олиниш жараёнлари, бош қаҳрамон, тарихий шахс - Зулфия Зокированын ички кечинмалари тасвирлангани хусусида гапирди.

Ешлар марказида бўлиб ўтган учрашувда фильм бош қаҳрамони - Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримова уруш ва у келтирган аянчли оқибатлар ҳақида тўхталаркан, Она ана шундай оғир жудоликни кўрган, матонат билан бардош берган аёл тақдирини эканлигини таъкидлади.

Тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда ҳужжатли фильм ҳамкорликда фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган "Матонат" ҳужжатли фильми тақдироти ўтказилди.

Ушбу фильм фашистлар концлагерида қийноқларга солинган ва ваҳшиёна қатл қилинган 101 нафар ўзбек аскарлари тўғрисида ўша воқеаларга гувоҳ бўлган ва бу ҳақида маълумот тўплаган кишилар ҳикоялари асосида яратилган.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов, Ўзбекистон Кинематография агентлиги раҳбари Ф.Абдухаликов мазкур ҳужжатли фильм ҳамкорликдаги ижодий иш эканлиги ва бу борадаги ишлар келгусида ҳам давом этишини таъкидлади.

Тақдирот чоғида Самарқанд шахридаги дунёга машҳур Регистон мажмуаси бунёдкори, саркарда Баҳодир Ялангтўш ҳақида бадиий фильм яратилиши маълум қилинди ҳамда бу ҳақида Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Кинематография агентлиги ўртасида меморандум имзоланди.

С.МАРДИЕВ, Б.МУСТАНОВ.

Zarafshon Самарқандский вестник

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy. Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: X.ERNAZAROVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009

Самарқанд шахридаги бир қанча санъаткорлар Ҳожи аканинг ўғилларида яшаб, қўшиқ ўрганардик. Мен Ҳожи ака айтган қўшиқлардан таъсирланиб, эргалабгача ухлай олмасдим, деган эди Юнус Ражабий.

Дарҳақиқат, Самарқанд мақом йўллари, соз чалиш ва ашула айтиш бўйича кўплаб ёшларга устозлик қилган, уларга ўз санъатини ўргатган ҳофиз хонадонига кўплаб санъат даргаларининг қада-

Мақом устаси хонадони бугун ҳам санъаткорлар билан гавжум

ми этган. Бу ҳовлида бугун Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов уй-музейи ташкил этилган. Ўзбекистон халқ ҳофизини, машҳур бастакор ва соззанданинг хотирасига бағишланган "Ушшоқи Самарқанд" номли назм ва наво кечасида бу даргоҳ яна санъаткорлар билан тўлди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига армуғон

Амир Темурнинг усти ёпиқ бозори ҳақида эшитганмисиз? Муаллифлар Ғофуржон Маҳмудов (марҳум) ва Адаш Истад томонидан ёзилган ва қайта нашрдан чиқарилган "Армуғон" китобида шу каби Самарқанднинг турли даврлардаги қимматли тарихий маълумотлари таҳлил ва тадқиқ этилган.

Китобда Амир Темур ва темурийлар давридаги Самарқанд кўз олдингизга келади. Аҳдодларимизнинг ақлу заковати билан бунёд этилган боғлар, гузар, масжид, хийбон ва чорбоғлар тарихи

билан муфассал танишасиз. Шунингдек, китобда Самарқанд туманида бульварларнинг нечталиги, Бўстони хон гузари тарихи, Амир Темурнинг боғдорчилик анъанаси, Навоий чорбоғсозлиги ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган.

"Овози Самарқанд" газетасининг мустақиллик байрамига муносиб тўхфаси бўлган "Армуғон" китоби ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этилган.

Мақтабда музей ташкил этилди

Ургут туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактаби ихтисослашган таянч мактабга айлантирилди.

Шунингдек, мактабда туманда ягона бўлган мактаб музейи ташкил этилди. Унда мактаб ташкил этилгандан бошлаб бугунги кунгача фаолият юритаётган фахрий ўқитувчиларнинг дипломлари, суратлари, иш фаолиятиндан намуналар жой олган.

Хўснийдин МАҲАММАДИЕВ. Бундан ташқари, музейда Украч қишлоғида яшаган Иккинчи жаҳон уруши, афғон уруши қатнашчилари, қишлоқ тарихи ҳақида маълумотлар, қадимги уй-рўзгор буюмлари, мусиқа асбоблари мавжуд.

Фидойи касб эгасининг сабоқ бўлгучи хотиралари

"Маънавият" нашриётида чўлни ўзлаштириш, унга ҳаёт олиб келиш ишларида жонбозлик қилган, меҳнат фаолиятини Мирзачўл ва Жиззах чўлларидан бошлаб, қийинчиликларни ўзининг малакаси, тажрибаси, билим салоҳияти билан енгиб ўтган Мансур Абдураимовнинг "Отанинг орзулари" китоби нашрдан чиқди.

Шу ойда таваллуд топганлар

12 МАЙ Ҳамдам БЕРДИЁРОВ - (1918-1984) Пахтачи туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маориф ходими, тилшунос олим.

13 МАЙ Воҳид АБДУЛЛАЕВ - (1912-1985) Самарқанд шахрида туғилган. Адабиётшунос. Академик.

14 МАЙ Шариф АЗИМОВ - 1954 йилда Самарқанд шахрида туғилган. Кулол. Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Муаллиф ушбу китобида ҳаёт йўли, етти авлод шажараси, ота-болалари, мола-раҳмининг эзгу ишлари, талабалик кезлари, илк бор чўл худудларини ўзлаштиришда олиб борган фаолияти, оиласи, фарзандлари, меҳнат фаолияти ҳақида сўз юритади.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Китобни варақлар экансиз, воқеалар сизни қизиқтириб бораверади. Чунки муаллиф меҳнат фаолиятидаги ютуқларини, топганларини, йўқотганларини моҳирлик билан ёритиб берган. Китобни ўқиб, нафақат бир инсон ҳаёти, балки М.Абдураимовнинг ҳаёт ва илм йўлидаги бой тажрибаси ҳақида ҳам маълумот оласиз.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61